

Муҳаммадали АБДУҒАНИ

ТИЛАК

Шеърлар

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент - 2008



84(59)6-5

A 15


Муҳаммадали Абдуғани.

Тилак: шеърлар /Алишер Навоий
номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2008. — 32 б. б.

ББК 84(59)6

НО 34684
091

“Адабиёт ” сўзининг асосини “одоб” ташкил этади. Кўлингиздаги китобни ўқиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қиласиз: фикр-зикрлар камоли учун қайғураётган кекса қалб ҳаяжонларидан баҳраманд бўлиш баробарида, қадимдан мавжуд панд-насиҳат мавзусининг замонавий талқинини кўрасиз. Куйидаги муваффақиятли нуқталар сизни ҳаяжонлантирса ажаб эмас.



© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2008 йил.

“ПОКИЗА” ШЕЪРЛАР

Муҳаммадали Абдуғанининг назм дафтариغا кўзим тушганида, дилимдан: “Покиза шеърлар экан” деган фикр ўтган эди.

Асли касби боғбон ва ҳунарманд бўлган муаллиф ёзганларини кичикроқ бир давра учун қоралаган бўлса-да, унда ҳаммамиз учун ибрат бўладиган жиҳатлар кўп. Масалан, ўғил-қизларга, келин-куёв ёки келгуси авлодга қилинган васиятларда ҳалоллик, поклик, эзгулик, меҳнатсеварлик, саховатпешалик каби чин инсоний фазилатлар тарғиб қилинади.

Шайх Саъдий:

*Яхши дўст айбингни, мисоли кўзгу,
Ўзингга айтади келгач рўбарў, —*

деган эдилар. Кекса шоир “арқонни узун ташлаб”, гарчи ўғил-қизларига насиҳат қилаётган бўлса ҳам, бу — бугунги кун ёшлари учун юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўғитлардир.

Файласуф олим Ҳамидулла Кароматовнинг “Қуръон ва ўзбек адабиёти” китобида Қуръон ва ҳадислар моҳияти мумтоз адабиётимизнинг қон-қонига сингиб кетганлиги айтилган эди.

Шукрки, Мустақиллик шарофати ила минг йиллик қадриятларимизга, миллий маданиятимизга қайтдик. Қўли гул ҳунарманд шоирнинг мазкур китоби ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Сўзим сўнгига ҳам устод Саъдий Шерозийнинг байтлари билан нуқта қўйишни лозим топдим:

*Ҳотамга ўз иши бергай шаҳодат,
Ҳар ким қилганича топади шуҳрат.*

Муҳаммад МИРЗО,
шоир

УСТОЗ

Дунёда ота улуг зот эрур,
Устоз ҳам отадек, деманг: ёт эрур.

Ота фарзандга паноҳ бўладир,
Устоз илм йўлида меҳнат қиладир.

Ота каби ҳурмат қилинса устоз,
Меҳр тўла дили бўлур сарафроз.

Устоз — дарахт, шогирддир мева,
Эзгу тилларда сўзланган шева.

Ота юзига боқмагандай тик,
Устозни тингланг — сукут сақлаб тек.

Устозга доим табассум қилинг,
Бу — мулойимлик мақоми, билинг.

Қўллар кўкракда, саломлар беринг,
Субҳу шом ширин каломлар беринг.

Чунки у сизга ҳақни танитар,
Жоҳиллик дардин ҳар дам аритар.

Оқланса устоз билдирган ишонч,
Дунёда йўқдир бундайин қувонч.

Сиз ҳам улғайиб, бўлганда устоз,
Эл ичра албат топурсиз эъзоз.

ОЛИМЛАР

Олим сўзи тошга нақш этилгуси,
Унутилмай, элга бахш этилгуси.

Муқаддас каломга суюнгайдир ул,
Покиза руҳи-ла қувонгайдир ул.

Игна билан қудуқ қазган мисоли,
Илм уммонида — дурда хаёли.

Кўплаб машаққатни писанд этмагай,
Маслак йўларини ташлаб кетмагай.

Ошиқ бўлиб қилар тангрига тоат,
Дунёда яшамоқ бари ибодат.

Омонатга асло қилмас хиёнат,
Унинг учун қонун асли диёнат.

Эзгуликка чиндан меросхўр олим,
Ҳақиқат йўлига бошлар мулойим.

Шундайин олимлар бўлса очунда,
Одам насли қолмас асло қуюнда.

ИЛМ

Чин-Мочинга бориб бўлса ҳам илм талаб қилинглар.
Ҳадис

Жаннатга йўл асли илмда,
Чин инсоннинг насли илмда,
Ҳаёт гўзал, фасли илмда,
Илм — иймон чироғи, дўстлар!

Толиби илм гуноҳкор бўлмас,
Толиби илм дилозор бўлмас,
Толиби илм риёкор бўлмас,
Илм — иймон булоғи, дўстлар!

Ажр бордир босган қадамга,
Фаришта ёр толиб одамга,
Нур таратар гўё оламга,
Илм — иймон сабоғи, дўстлар!

Илм олмоқ сирлари бордир:
Аввал сукут — пирлари бордир,
Қулоқ солмоқ, ёдламоқ ёрдир,
Илм — иймон гулбоғи, дўстлар!

Олинган илм амалга ҳамроз
Бўлса агар, азизларим, соз,
Армон бўлмас кўкрагингиз фоз,
Илм — иймон парвози, дўстлар!

ЖУДО БЎЛМА

Бўлса дўстинг оқилу доно,
Битар барча чигал муаммо,
Кўргил ҳар дам яхшилик раво,
Ундай дўстдан жудо бўлма, дўст.

Равшан тортар қоронғу кечанг,
Давраларда юрурсан башанг,
Душманларинг енгилар бежанг,
Ундай дўстдан жудо бўлма, дўст.

Шодлигингни кўради баҳам,
Андуҳ келса бўлади ҳамдам,
Ортга қайтмас, сенга ҳам, қадам,
Ундай дўстдан жудо бўлма, дўст.

Миннат қилмас берган нонини,
Берар ҳатто ширин жонини,
Ўтар тақдир имтиҳонини,
Ундай дўстдан жудо бўлма, дўст.

Ёмонингни яшириб кетар,
Яхшилигинг ошириб кетар,
Эзгуликка шошириб ўтар,
Ундай дўстдан жудо бўлма, дўст.

ИБРАТ КЎЗГУСИ

Ўтган зотларимиз бизларга ибрат,
Баҳоли қудрат-ла яшаб ўтишди.
Кўплари излашди ҳаётдан ҳикмат,
Баъзан умр қадрин билмай кетишди.

Ажал шарбатини тотмаган ким бор?
Ёқамиздан тутар, албат, бир куни.
Аммо савоблардан қўйсак пойдевор,
Бўлмаймиз азобнинг асло тутқуни.

Инсонлик шаънига туширмасак доғ,
Еттинчи осмонда руҳимиз эркин.
Сўнги манзил иймон ҳамроҳ бўлган чоқ,
Эзгу амал келар бермоққа таскин.

Қондошлик риштасин узмайлик асло,
Бўлайлик гўёки тизилган маржон.
Бевафо дунё бу, бевафо дунё —
Унга меҳмон асли барча тирик жон.

Бу ибрат кўзгуси хира тортмасдан,
Ҳар дам хулқимизни пардоз қилайлик.
Айбимиз қидириб гийбат қилмасдан,
Чин комиллик сари парвоз қилайлик.

ХУНАР

Йигит кишига хунар қанотдир,
Хунарли инсон бўлмас дерлар хор.
Хунар ортидаги нурли ҳаётдир,
Хунар бахт учун бўлгай пойдевор.

“Кўлинг ишда-ю, дилинг Аллоҳда” —
Демишлар бизга Нақшбанд бобо.
Хунарли инсон ҳеч тушмагай чоҳга,
Меҳнат кишисига кулади дунё.

Элу юрт, Ватанга бўлиб муносиб,
Ризқингиз қидиринг ҳалол йўллардан.
Шунда ортингиздан юрмаслар койиб,
Бўстон яратингиз ҳатто чўлларда.

Ҳазар қилмоқ керак нопок луқмадан,
Кўзлардан олар у чароғон нурни.
Меъдани асрангиз харом томоқдан,
Истамангиз асло оний ҳузурни.

Хуллас, хунарнинг сиз устаси бўлинг,
Юксакларга олиб чиқсин у сизни.
Машаққатга мудом саботда туринг,
Ёнга олинг ўғил ва қизингизни.

РАМАЗОН

Рамазон ойида поклар инсон,
Аллоҳим бизларга қилур марҳамат.
Фалақдан раҳматлар ёғилур чунон
Ҳамда гуноҳимиз бўлур мағфират.

Қандайин ёқимли — бўлсак рўздор,
Нафсимиз тийилур, руҳимиз равшан.
Тугилган рўзага хуш насиба бор,
Ул насиба тангри ваъдаси экан.

Бу ойга ярашар мурувват, шафқат,
Ҳаттоки сўзлаган сўзимиз эҳсон.
Ҳатто тунларда ҳам бордир ҳаловат,
Бизга чанг солалмас шумқадам шайтон.

Оқибат ганжини маҳкам тутармиз,
Ота-она, қавму қариндошлар шод.
Ўтганлар руҳини обод этармиз,
Уларга тиловат борур саловат.

Ўн икки ой тожи — моҳи рамазон,
Бу ойда ўтган ҳар нафас ғанимат.
Гўёки қайтадан туғилар инсон,
Оламга нур сочар қуёш — диёнат!

УМР

Умр Аллоҳ берган улуғ неъматдир,
Қадрига етмоқлик чин саодатдир.
Осий бандаларин авф этсин эгам,
Тоату ибодат бизга одатдир.

Кўзимиз очайлик ўлим келмасдан,
Ёмонлик қилмайлик билиб-билмасдан.
Инсу жин, шайтондан қочайлик йироқ,
Яшайлик гуноҳкор, осий бўлмасдан.

Умр кўп қисқадир, биласиз, ахир,
Яратган Аллоҳга қилайлик шукур.
Тоат-ибодатни этмасак канда,
Афсус-надоматда бўлмаймиз охир.

Умримиз ўтмоқда, қайтмас бу дамлар,
Ортга бир қайрилиб қаранг, одамлар!
Қанчалар оз эрур савоб ишимиз,
Гуноҳлар юкидан зилдир қадамлар.

Ё Аллоҳ, сен ўзинг еткур мурода,
Қолган умримизни этгин зиёда.
Ҳақ йўлингга ўзинг ҳидоят этгин,
Яхши бир ном қолсин биздан дунёда.

ТИЛАК

Отамиз ўтдилар анча йил бурун,
Онамиз ўтдилар — бўлди кўп қийин.
Ҳовлимиз гўёки зулматда қолди,
Ўрни кўп билинар йил ўтган сайин.

Ота-онамизни эслайлик бот-бот,
Қуръон ўқиб, руҳин этайлик биз шод.
Тез-тез йўқлашайлик бир-биримизни,
Дунё ишларин ҳам унутмай кушод.

Аллоҳ розилигин истаган инсон —
Гина-кудуратни тўхтатар шу он,
Ўзгалар нуқсонин изламас асло.
Аллоҳдан ўзгаси эмас бенуқсон.

Текшириб турайлик ўзни ўзимиз,
Ҳол-аҳвол сўрашсин ўғил-қизимиз.
Бас, энди ҳаммамиз аҳил бўлайлик,
Адоват, ғафлатда бўлмайин ҳаргиз.

Ёшларни ҳамиша қилайлик дуо,
Дуодан мустажоб бўлур муддао.
Қилган гуноҳларга тавба қилайлик,
Бир-бирдан ёрдамни аямай асло.

САҲАР ТУРМОҚ ФАЗИЛАТИ

Саҳар турмоқни этингиз одат,
Ёлғиз Аллоҳ учун қилинг ибодат.
Руҳингиз шод бўлур, енгил тортасиз,
Яратган ул зотдан ёғилур раҳмат.

Саҳар бедор бўлиб турган маҳали —
Ғофилликдан тамом бўлурсиз ҳоли.
Ота-онангизни хурсанд этурсиз,
Енгил тортажаксиз оққуш мисоли.

Саҳар намоз ўқиб, айланг дилни шод,
Аллоҳ каломини ўқиб, айланг ёд
Ҳам ота-онани этсангиз эъзоз,
Дунёлар роҳати бўлгайдир кушод.

Дунёда шарманда бўлмайин десанг,
Охират армонда бўлмайин десанг,
Саҳар тур, покиза тутгил ҳар ённи,
Яхшидир нонингни сен оқлаб есанг.

ЧЕКИШ — ИСРОФ-ЗАВОЛ

1

Ҳаёт — неъмат, инсонлик шараф,
Ўз қадрига етмоқлик — иқбол.
Баъзи иллат одамга хосмас,
Чекмоқлик ҳам соғлиққа завол.

Тутун қамаб вужудга бехос,
Ақлни хира айламоқ нечун?
Бутун рўзғор ризқини қийиб,
Баракани бойламоқ нечун?

Азиз фарзанд, ҳаёт — беназир,
Ҳаётингни куйдириб ўтма.
Кексайган чоғ титрама зир-зир,
Тамакидан сен вафо кутма.

Умринг тутаб ўтмасин асло,
Эл гамида, майли, ёниб ўт.
Соғлигингни ҳозирдан ўйла,
Ҳавас қилма, чекишни унут.

2

Чекишга ўрганган азиз биродар,
Ҳар тонг уйғонганда чекма, ният қил:
“Чанг солма умримга йироқ бўл, заҳар” —
Дея соғлигингга куй, марҳамат қил.

Асабинг торлари таранглашган чоғ,
Ўтиб кетар тоқат айласанг бир оз.
Ўзингни чалғитиб айла сайри боғ,
Ёки яхши қўшиқ дардингга ҳамроз.

Мушкул бўлар, албат, бу тарки одат,
 Лек сабр қўрғонин тарк этма асло.
 Унутилиб борар, бергум шаҳодат,
 Йўлдошинг бўлса гар ниятинг илло.

Рухларинг тозариб борар кунма-кун,
 Ойдайн балқийди юзларингда нур.
 Вужудинг забт этмай ул қора тутун,
 Чекинар, ярқираб кетар тафаккур.

Чекишга ўрганган, эй сиз, биродар,
 Ҳар тонг уйғонганда чекмай, ният қил!

ҚЎШНИЧИЛИК ҲАҚИДА

Қўшнилар ҳақида ўйлаб қолдим мен,
 Шу боис насиҳат сўйлаб қолдим мен.

Авалло қўшнилик ҳақини айтай,
 Кўнгилда борини бир изҳор этай.

Агарда қўшнингиз ғайри дин бўлса,
 Унинг сизга ҳақи биттадир, бўлса.

Демакки, қўшнилик ҳақи бор, албат,
 Уни ҳурмат қилинг, унутманг фақат.

Агарда қўшнингиз мусулмон бўлса,
 Зиммангизда ҳақи иккидир олса.

Авалли мусулмон бўлгани учун,
 Иккинчиси — оқланг қўшнилик бурчин.

Агарда қўшнингиз қариндош бўлса,
 У ҳолда учтадир ҳақини сўрса.

Биринчи — қариндошлик риштасин узманг,
Иккинчиси — қушни, кўнглини бузманг.

Учинчисин айтай, у ҳам мусулмон,
Сиз каби Аллоҳнинг бандаси — инсон.

Мана, қўшничилик ҳақини билдик,
Оқибат ҳақида фикрлар қилдик.

Баъзида учрайди шундай бир ҳолат:
Баъзи қўшниларида етмас фаросат.

Тор ҳовлида боқиб, ит, мушук гоҳо,
Ўзига озорни кўришар раво.

Айниқса, итлари кундузи жимдир,
Тунлари акиллар, урарми кимдир?

Уйку нима билмай тўрт ёқда қўшни,
Орзу қилиб яшар бир ширин тушни.

Неча айтишса-да малол келганин,
То ҳануз қилади ўзин билганин.

Хотини этади эрин айбдор,
Эридан сўрсангиз, йўқмиш ихтиёр.

Ҳайратда қоламиз эру хотинга,
Бу қилиқ ярашмас одам зотига.

Илож йўқдир инсоф тилашдан ўзга,
Ит одамдан аъло кўринар кўзга.

ТҮРТЛИКЛАР

Элни севса мудом зурёдим менинг,
Шунда балки бўлур бунёдим менинг.
Юртга номуносиб бўлса қай бири,
Кўкка сифмас оҳу фарёдим менинг.

* * *

Кексалар кўзгуга ўхшайди гўё,
Уларда акс этар мураккаб дунё.
Неча эврилишлар, паст-баландликлар
Уларни темирдай тоблаган зеро.

* * *

Кексалар қошида тургим келади,
Бирга созу суҳбат қургим келади.
Ҳаётдан умидвор кексаларни мен
Бошимга кўтариб юргим келади.

* * *


Боболар қолдирган ҳар бир улуғ сўз —
Гавҳардайин ҳикмат, нондайин азиз.
Тўтиё бўлгудай босган излари,
Бунни унутмангиз, ҳей ўғил, ҳей қиз!

* * *

Бир бурда нонингни топсанг гар ҳалол,
Каттаю кичикка келмайсан малол.
Уйқунг ҳам тинч бўлар, осуда тунлар
Сенга салом берар кўкдаги ҳилол.

* * *

Хазонни супурса сув томон фаррош,
Ангурдай хомлигин дарҳол этар фош.
Ахир, оби ҳаёт — зилол сув-ку бу,
Кўзимдан тирқираб кетар шунда ёш.



* * *

Тентакнинг ёнида ўтирсанг узоқ,
Мумкиндир тентакка айланиб қолмоқ.
У шундай кимсаки, руҳни кемирар,
Хираланиб қолар дилингда чиरोқ.

* * *

Майли, рақиб бўлгин, майлига ағёр
Ва лекин тулкидай бўлмагин айёр.
Ўзингни кўрсатгил очиқ майдонда,
Пистирмадан туриб тош отма зинҳор.

* * *

Биров тонворди ўз ваъдаларидан,
Ўзбекча маърака, қаъдаларидан.
Гувоҳим йўқ, дея безрайиб турди,
Аммо Аллоҳ огоҳ эди баридан.

* * *

Пойтеша ушлаган ҳар қандай кас ҳам
Чинакам уста деб ололмагай ном.
Ёғочу тош билан диллашмоқ керак,
Йўқса қилар ишинг бўлар доим хом.

* * *


Валакисалангдай юргандан кўра,
Эл ичра қолдиргин яхши хотира.
Синиқ кўнгилларни обод этсанг гар,
Тоабад унутмас эл сени сира.

* * *

Не эксанг сен шуни ўрасан, ўғлим,
Хурмат қилсанг, хурмат кўрасан, ўғлим.
Эзгулик уруғин эксанг, элингда —
Эгилмай, қадди ғоз юрасан, ўғлим.

* * *

Яхшиларни доим қилардинг ҳавас,
Яхши деб ном олдинг — шунинг ўзи бас.



Бу улуғ рутбани йўқотма, ўғлим,
 Ҳаётни ўзингга айлама қафас.

* * *

Кибру ҳавони сен мутлақо унут,
 Чанқаган кишига бир чўмич сув тут.
 Яхшилик қолади, ахир, дунёда,
 Сахийларнинг юзи бўлмагай шувут.

* * *

Бир бурда нонга сен қилсанг қаноат,
 Қандайин бахт эрур, қандай саодат!
 Тилинг қисик бўлмас, нокаслардан ҳеч,
 Ҳатто рақиблар ҳам қилишар ҳурмат.

* * *

“Азза ман қанаъ” деб айтмаслар бекор:
 Инсон қаноат-ла топар эътибор.
 Ўзганинг ҳақидан тап тортмас киши
 Охири дунёда хор бўлиши бор.

* * *

Ўзганинг ҳақидан кўрқмасанг агар,
 Эл сенга ҳурмат-ла ташламас назар.
 Обрўйинг сувдайин кетади оқиб,
 Бундай маломатдан дедим :“Алҳазар!”

* * *

Инсофу иймонин йўқотса инсон,
 Нафс ботқоғига ботмоғи осон.
 Ва унда чекиниб орият, виждон,
 Вужудингда қолар фақат жигилдон.

* * *

Ўзингни тергаб тур ҳар кун неча бор,
 Йўлдан адашмайсан сен шунда зинҳор.

Ахир, хом сут эмган бандамиз, банда,
Беайб — ягона-бир парвардигор.

* * *

“Агарки тарбият кўрмаса одам,
Эшак бўлиб қолур юзга кирса ҳам.”
Бу сўзни мен эмас, Шайх Саъдий айтган,
Тарбияли киши бўлмагай мулзам.

* * *

Ўзингга ярашсин сен кийган либос,
Кийим бўлсин яна эътиқодга мос.
Ойнадай ярақлаб турмаса ҳамки,
Ҳаё пардасидай ўраса хўб соз.

* * *

Эрта турмоқликни одат қил ҳар дам,
Сен, ахир, айиқмас, одамсан, одам!
Қара, кўклам келди — ҳаммаёқ кўркам,
Сени кутаётир ҳовлида кўклам.

* * *

Ёшлиқдан эгалла илм ё ҳунар,
Илмдан ривождир, ҳунардан унар.
Эл ичра ҳурмату иззат бўлмагай
Икковин кўлингдан чиқарсанг агар.

* * *

Саломинг кучини кўргил, ҳей одам,
Салом билан ҳатто дўст бўлур ёв ҳам.
Юзларга ёйилар майин табассум,
Ёришгани каби офтобдан олам.

* * *

Билмасдан қилинган гуноҳни кечир,
Она олдидаги “оҳ-воҳ”ни кечир.
Айбин қайтармасин тиз чўккан фарзанд,
Нопок йўлга кирган гумроҳни кечир.

* * *

Ҳой ўғил, оила — бир дарахт мисол:
 Авайласанг бир кун топажак камол.
 Ниҳол экан дея силкита берсанг,
 “Қарс” этиб синар у, ўнгламоқ маҳол.

* * *

Инсон узук бўлса, ақл — гавҳари,
 Гавҳар тиниқлашар сув берган сари.
 Ақлга одобу ахлоқдан сув бер,
 Токи ярақласин олгин сингари.

* * *

Ўқиб кўр жаннатнинг эшиги хатин:
 “Жаннатнинг биринчи эшиги — хотин”.
 Ҳой ўғил, ниятга етмоқ истасанг,
 Бир умр эъзозла сен аёл зотин!

* * *

Ўтган ўтди, кўп ғанимат шул нафас,
 Ноўрин армонни, э дўст, айла бас.
 Телба дерлар кимки эллик ёшида
 Дорга чиқмоқликни қилса гар ҳавас.

* * *

Ҳар нафас олтинга тенг, қадрига ет,
 Ҳам ўзинг, ҳам ўзгаларни огоҳ эт.
 Баски, энди куч-мадоринг борида,
 Яхши ишларни бажар сен кетма-кет.

* * *

Қанча дўстлар кетдилар хайр айламай,
 Олам уйини тўйиб сайр айламай.
 Ушбу ҳолат сен билан бизга сабоқ,
 Кетма, эй дўст, жон қушин тайр айламай.

* * *

Бир ёруғ кўнгилни севдим бир замон,
Гоҳи ошкор айладим, гоҳи ниҳон.
Бир улуғ ишқ дилга чўғ ташлар эди,
Севги берди ул яратган меҳрибон.

* * *

Севиб қолганларни этманг маломат,
Севги, бу — самимий туйғу, аломат.
Бир-бирин кўтарар арши аълога,
Бу олий мақомга етмак — катта бахт!

* * *

Эл ичра эллик йил юрдиму роса,
Охири шундайин қилдим хулоса:
Ёмондан яхшилар кўп экан бешак,
Гўдак нафасидай, малакдай тоза.

* * *

Олгиндай азиздир ҳар бир дақиқа,
Бу — тоза сув каби равшан ҳақиқат.
Ҳақиқат — ақиқдай порлоқ ва тоза,
Унга амал қилмоқ қолади фақат.

* * *

Гўдакдай тоза, покиза саҳар бу,
Яратгандан бу — тухфа, сийм-зар бу.
Чирогим, кўзичоқдай сакрабон тур,
Очилгай кўҳна дарвоза — сафар бу.

* * *

Инсонга муҳаббат боғла, эй ўғил,
Ўзингни ҳимматга чоғла, эй ўғил.
Эзгулик қолади ёруғ дунёда,
Бахиллар бағрини доғла, эй ўғил!

* * *

Болага кор қилсин, десанг, насиҳат,
 Аввало сен ўзинг бўл унга ибрат:
 Ўзинг шароб ичиб, ичмагил, дема,
 Ўзинг чекиб, дема: бу зарар фақат!

* * *

Қўл очиқ келдик-ку элга тоза кун,
 Дилда борини дариг тутманг бугун.
 Мисли хотам — оламга минг қўл очиб —
 Зар сочиб офтоб кунин қилғай яқун.

* * *

Бор умидим — еру осмондан умид,
 Кексаю ёш — барча инсондан умид.
 Дардима дармон бўлурлар кун келиб,
 Баски, эй дўст, чиқмаган жондан умид!

* * *

Гоҳо бедорликни қўмсаб қоламан:
 Шундайин чоғларда ором оламан.
 Юз йилда келмаган дўст хабар олса,
 Худди қулупнайга тўйган боламан.

* * *

Эй дўст, кел, қўл очиб айлайлик дуо,
 Бизга шараф бўлсин бу икки дунё,
 Руҳлари шод бўлсин ўтганларнинг ҳам,
 Жойлари жаннатда бўлсин, илоё!

* * *

Мен сизни соғинар эдим, ёронлар,
 Кўрмай қолганимиз бўлди армонлар.
 Бир пиёла чойда эслангиз сиз ҳам,
 Сизларга ёр бўлсин яхши замонлар!

КЕЛИНЖОН

(туркум)

1

Келинжон, хизматни қилмагин миннат,
Эрингни нонушта қилдириб жўнат.
Юзингга гул каби қўнсин табассум,
Муҳаббат ҳам бўлмас — бўлмаса ҳурмат.

2

Уйингни тутгил сен тоза, саранжом,
Ўз жойида турсин асбобу анжом.
Каптархона эмас, ҳовли-ку бу жой,
Ҳай, увол бўлмасин инсон деган ном!

3

Келинжон, қайнона сенга ҳам она,
Атрофида бўлгил доим парвона.
Шунда сен элга ҳам ёқиб қоласан,
Садаф ичра бўлгил, ақиқ, дурдона.

4

Ўзбошимча бўлса агарда келин,
Мурса қилмоқлик бўлар кўп қийин.
Элнинг назаридан қолмоғи тайин,
Кўнгилдан қолгуси кун ўтган сайин.

5

Аёллар аслида уйнинг одами,
Кўчага ҳам тегсин, майли қадами.
Бола тарбияси, тоза ҳовли-жой —
Аёлнинг жаннатдай ҳузур олами.

6

Исрофгар одамда бўлмагай инсоф,
 Инсофи бўлмаса — бўлмагай дин соф.
 Ҳар ненинг қадрига етмоқлик керак,
 Йўқликнинг қаърига тортади исроф.

7

“Қозонни ювмасанг — ёмон бўлади,
 Азонда турмасанг — ёмон бўлади”.
 — Ёмон бўлса қани, нима бўлади?
 — Иззату насибанг тамом бўлади.

8

Эрта-кеч радио қўйилар баланд,
 Катталар сўзини қилмадинг писанд.
 Энди бу ҳовлидан кетишинг керак,
 Ўзга жой топурсан ўзингга монанд.

9

Эрта-кеч бетиним сайрар телевизор,
 Шундай каналлар бор: ҳатто дил бузар.
 Меъёрни билгин сен: фурсат ажратиб,
 Яхши бир китобдан қилгин сен ҳузур.

10

Диллар титрамасин айтган сўзингдан,
 Бездирма ўгилу қизни ўзингдан.
 Майин наво берсин меҳр торлари,
 Муҳаббат ёғилсин юзу кўзингдан.

11

Болангни қарғама, қарғама асло,
 Шўх-шаън болаларинг — фаришта гўё.
 Қарғасанг, худонинг қаҳри келади,
 Тирноққа зорларни эслагин, илло.

12

Урсанг эти қотар, сўқсанг-чи бети,
Бола ҳам азобдан ич-этин ейди.
Кўз чиқарма яна, қош қўяман деб,
Сендан қочиб боланг бўлмасин дайди!

13

Келинжон, чеҳрангга қўнмасин қаҳр,
Гулни кўр, балқийди кўксида меҳр.
Оила султони ташвишида бўл,
Сўзларингда бўлсин жозиба, сеҳр!

14

Кеча қўй сўйилди, тортилди жизза,
“Бугун ҳеч вақо йўқ” деб қилма изза.
Борига шукр қил, йўққа қаноат,
Исрофгар бўлмасанг, букилмас тизза.

15

Ёмон сўз ўтади оғиз-қулоқдан,
Ёмон хулқ сув ичар шайтон булоқдан.
Инсонлик нуфузин баланд тут, қизим,
Шайтон меш ташима у ёқ-бу ёқдан.

16

Чеҳранг гулидир ғунча табассум,
Юзни тарк этмасин табассум бир зум.
Қовоқдан қор ёғиб турса, бу — даҳшат,
Сокин оққани соз дарёи азим.

ВАСИЯТ

(“Фарзандларимга омонат” туркумидан)

МУҚАДДИМА

Меҳрибон ва раҳмли Тангри номи билан унга ҳамду санолар ва юборган элчисига саловотлар бўлсин!

Фарзандларим!

Ёшим пайғамбар ёшига яқинлашмоқда. Узоқ умр кўришни умид қиламан ва яратгандан сўрайман. Сизларни баҳоли қудрат тарбият этиб, улғайтириб, эл орасига қўшдим. Мендан кейинги ҳаётингизда керакли бўлган ўғитларимни васият тариқасида сизларга қолдиришим лозим деб ўйлайман. Чунки яратган олдида оила пешвоси сифатида масъулман.

Сарвари оламнинг “Бирор мўмин икки кун бетоб бўлиб ётиб қолса, унинг ҳузуриди васияти бўлишлиги лозимдир” деган муборак ҳадисларига мувофиқ васият қилмоққа қарздорлигимни ҳис этдим.

1

Аввало, барчангизни тенг кўраман. Ва бирдек ардоқлайман, севаман. Бироқ ожизлик қилиб, баъзиларингизни ранжитган бўлсам, рўзгор ҳаётида хато-камчиликларга билиб-билмай йўл қўйган бўлсам, улуг зотдан гуноҳларимни мағфират этишини, сизлардан эса мени маъзур тутишингизни сўрайман.

2

Маълумингизким, ҳаётда яратган буюрганига ва элчисининг йўл-йўриқларига итоат этиб яшашга ҳаракат қилдим. Кўринмас хатоларимдан кўрқувдаман. Чунки муқаддас китобда: “Ҳар бир жон ўлим шарбатини тотувчидир” дейилган.

Учқур кунлар менинг қазоимни олиб келсалар, кўзим фоний дунёдан юмилиб, боқий дунёда очилса, ушбу сўзларимни ўзингизга кўмакдош айлашингиздан умидворман.

3

Қарзим масаласида кимдир ҳужжат билан келиб, ҳақ талаб қилса, унутган бўлсам, муқаддас китобдаги “Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингизни буюради”, деган фармони олийига биноан ҳақини адо қилинглр. Ҳақим бўлса яратганга ҳавола. Мамнунлик шуки, ҳозиргача қарзим йўққа ўхшайди.

4

Қоладиган мерос — ҳовли-жой, молу мулкларни дилларга малҳам Тангри каломидаги “Эркаклар учун ота-оналари ва яқин қариндошлар қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Аёллар учун ҳам ота-оналари, яқин қариндошлари қолдириб кетган меросдан улуш бордир. Бу озми-кўпми фарз қилинган улушдир”, деган фармонга бўйсунинг. Нафсингиз сизни алдаб қўймасин!

5

Волидангизни кўз қорачиғингиздек асранг. Эҳтиром айланг. Барча учун севимли китобда буюрилганидек: “Раббингиз унинг ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишингизни амр этди. Агар уларнинг бири ёки иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф” дема ва уларни жеркима! Уларга доимо ёқимли сўз айт!”

Буни ҳамиша ёдингизда тутинг!

6

Бир-бирингиздан молу дунёни аяманглр, аҳил-иноқ бўлинглар. Одамларни ноҳақ ранжитманглр. Бировлар ҳақиға хиёнат қилманглр!

Қариндошлик ришталарини узманг. Улар йўқлаб

келсалар, иззат-икром билан кутиб олинг, кузатиб қўйинг.
Шунда руҳим шодланур!

7

Икки дунё орасида яшадим. Сизлар ҳам шундай.
Иймонингизни мустаҳкам тутинг. Уни шубҳалардан ҳоли
этинг. Намоз, рўза, закот, ҳаж амаллари фарздир. Яъни
қарздир. Ҳаж амалига қодир бўлсангиз, қандай яхши! Аммо
ғариб кўнгиллар зиёратини унутманглар. Кўнгил —
илоҳийдир. Зеро улуғлар айтганидек: “Бир ўксик кўнгилни
обод айлаш, Каъбани обод айлаш билан баробардир”. Бу
бежиз эмас, албатта...

8

Ўтганларни ёд этиб, жума куни зиёрат қилганингиз
маъқул. Пайғамбар ҳадисларида: “Кимки ҳар жума куни
ота-онасининг қабрини ёки улар ҳаёт бўлса, марҳум
қариндошларининг қабрини зиёрат қилса, унинг барча
гуноҳлари кечирилиб, яхшилар қаторидан ўрин берилади”,
деган сўзларига мувофиқ иш тутинглар.

9

Камина — қиблагоҳингиз дўст тутган инсонларни дўст
тутурсизлар. Бу билан сизлар Сарвари Оламнинг
“Яхшиликларнинг энг афзали бир киши отаси вафот
этгандан сўнг унинг дўстлари билан алоқа қилишидир”
деган марҳаматларига сазовор бўласизлар.

10

Рост сўз турганда, ёлғон сўзламанг. Чунки ёлғон барча
қабихликлар бошидир. Ёлғон сўзлаб ҳали ҳеч ким мўътабар
бўлмаган, бўлмайди ҳам. Озгина мураса учун ёлғон
сўзладингизми, бас, ёлғон асирига айланасиз.

Суяксиз тилингиз ёлғон сўзлашни ёқтирадиган бўлиб
қолади. Бундан Аллоҳ асрасин!

11

Ниятингизни яхши ва холис қилинг. “Ниятинг

йўлдошинг бўлсин”, деган халқ орасидаги мақол айна муддаони кўзлаб айтилган. Яхши ният ортида яхшиликлар хазинаси яширинган бўлади. Бу хазинани ҳасад, риёкорлик, манманлик каби қатор иллатлар йўққа чиқаради.

Ниятингизни бундай қабиҳликлар ўргимчак тўридек ўраб қолмасин. Ундан тупроққа киргунингизча қутула олмайсиз...

12

Ҳаётнинг тарозиси сизнинг қўлингизда бўлмаса-да, лекин амаллар тарозиси сизнинг ихтиёрингиздадир. Не иш қилсангиз тарозига тушгусидир. Қандай амал қилаётганингизни билдиргувчи, албатта, илмдир.

Сиз икки дунёлигингизга манфаат берувчи илмни ахтаринг, ўрганинг!

Фойда бермайдиган илм — умрингизнинг ғоратидир. У билан машғул бўлиб, афсус-надомат шаробини ичишингиздан оғир андуҳ бўлмаса керак. Шунинг учун охиратда сизни ҳимоя этувчи илмдан йироқлашманг!

13

Одамлар сизнинг дунёвий ишларингизни тафтиш қилиб маломат қилишлари мумкин. Одамларнинг баҳоси ҳаққоний эмас. Аввало, сиз яратган ҲАҚ маломат қилишидан қўрқинг...

Беш кунлик келиб-кетувчилар кўҳна саройида кўзингизни қамаштирувчи, нафсингизни лаззат сари отлантирувчи жимжимадор ҳодисотлар учраши табиий. Бундай пайтда тафаккур гавҳарини ҳодисалар ботқоғига ботирманг. Тафаккурингизни иймон нурлантириб турсин...

14

Мазкур васиятни сизга охиратга заҳира сифатида иншо этдим. Унга безътибор бўлмайсиз, деган умиддаман. Зеро мажбурият қанчалик юксак бўлса, масъулият ҳам шунчалик олийдир.

Олий мақомга, яъни бутун башарият тўпланадиган кунда уялиб қолмаслик шарафига муяссар бўлишингизни тилаб қоламан.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| “Покиза” шеърлар..... | 3 |
| Устоз..... | 4 |
| Олимлар..... | 5 |
| Илм..... | 6 |
| Жудо бўлма..... | 7 |
| Ибрат кўзгуси..... | 8 |
| Хунар..... | 9 |
| Рамазон..... | 10 |
| Умр..... | 11 |
| Тилак..... | 12 |
| Саҳар турмоқ фазилати..... | 13 |
| Чекиш — исроф-завол..... | 14 |
| Кўшничилик ҳақида..... | 15 |
| ГҮРТЛИКЛАР..... | 17 |
| Келинжон (<i>туркум</i>)..... | 24 |
| Васият (<i>“Фарзандларимга омонат” туркумидан</i>)... | 27 |

Адабий-бадий нашр

Муҳаммадали АБДУФАНИ

ТИЛАК

Шеърлар

Муҳаррир *Ж. Муслим*
Бадий муҳаррир *Ҳ. Худойбердиев*
Мусаҳҳиҳ *Д. Саидова*
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*
Саҳифаловчи *А. Турсунов*

Босишга 15. 09. 2008 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Ҳажми 2 б. т. Нусхаси 1000

Буюртма № 107 Шартнома № 82/3

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Истиклол кўчаси, 33.